

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ
ИНСТИТУТИ
ЕФ ВА ЕК ФАКУЛЬТЕТИ

ХУДУДНИ МУХАНДИСЛИК ЖИХОЗЛАШ ФАНИ

МАВЗУ: ЎЗБЕКИСТОНДА АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИНИНГ
РИВОЖЛАНИШИ. АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИНИНГ ХАЛҚ
ХЎЖАЛИГИДАГИ АҲАМИЯТИ. ЙЎЛНИНГ ТРАНСПОРТ-
ФОЙДАЛАНИШ КЎРСАТКИЧЛАРИ

доц. Мусаев И.М

Ўзбекистон Республикасида ривожланган транспорт турлари:

1. Темир йўл транспорти
2. Автомобиль транспорти
3. Ҳаво транспорти
4. Сув транспорти
5. Шаҳар йўловчилар ташиш электр транспорти
6. Қувур (трубопровод) транспорти

Темир йўл транспорти



FreeFoto.com

Халқ хўжалигида темир йул транспортининг йўловчилар ҳамда юк ташишда салмоғи катта. Айниқса юклар экспорти ва импортида муҳим ўринда туради. Ўзбекистон темир йул орқали Шимол ва Жанубни, Шарқ ва Ғарбни боғловчи катта транзит юк оқими ўтади. 1972 йилда қурилган Кўнғирот — Бейнов магистрали Қозоғистон орқали Россиянинг Марказий, Жанубий, Урал минтақаларига туташган. Ховос — Арис магистрали ҳам мамлакатни Қозоғистон орқали яна Россия билан, Кўқон — Душанба йўналиши Тоҷикистон, Тошкент — Туркманбоши (собиқ Красноводск) йўли Туркманистон билан боғлайди. 2005 йил 1 январь ҳолатига кўра республикада халқ хўжалигига тегишли саноат корхоналарига тортилган (умумий фойдаланилмайдиган) темир йул узунлиги 3,1 минг км ни ташкил этди; «Ўзбекистон темир йўллари» компаниясига қарашли асосий йўлларнинг фойдаланиш узунлиги 3992 км, бундан ташқари 1992,7 км станция йўллари ва 362,4 км республика корхоналари шохобча йўлларидан фойдаланилади.

XXI аср бошида Ўзбекистон темир йул транспорти ижтимоий соҳалар ва ишлаб чикаришга йўналтирилган корхона, муассаса ва ташкилотлардан иборат бўлган ягона технологик ишлаб чикариш мажмуига айланди.

«Ўзбекистон темир йўлари» 50 мингдан ортиқ турли типдаги юк вагони ва Германияда тайёрланган рефрежераторларга, йўловчилар ташиладиган 1450 вагонга эга. Компаниянинг темир йулдан фойдаланишга масъул бўлган Тошкент, Фарғона, Кўқон, Бухоро, Кўнғирот, Қарши, Термиз минтақавий темир йул узеллари фаолият кўрсатади (2006).

2005 йилда магистрал темир йул транспортида 45,8 млн. т. юк ташилди. 20 тоннали контейнерлар билан юк ташиш республикадаги 11 станцияда (Шумилов, Жиззах, Қақир, Марғилон, Андижон, Раустон, Улуғбек, Тинчлик, Бухоро-2, Қарши, Урганч) да амалга оширилади.

Ўзбекистоннинг ягона темир йул тармоғини вужудга келтириш бўйича 1944- 2001йилларда уз. 700 км га яқин Навоий - Учқудук — Нукус темир йул қуриб битказилди. Қурилиши 1995 йилда бошланган 220 км ли Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон темир йулнинг 115 км дан ортиқ қисми қурилиб, поездларнинг иш қатнови йўлга қўйилди (2005). Бу йўллар ҳудудларни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришда катта аҳамиятга эга.

Автомобіль транспорти



Республика халқ хўжалигининг барча тармоклари ва мамлакат аҳолиси эҳдиёжларини қондириш даражасида ривожланган автомобиль транспортига эга. Ўзбекистонда 20-а. бошларига қадар от-улов асосий транспорт воситаси бўлган. Дастлабки автобус қатнови 1906 йилда Фарғона - Марғилон маршрутида йўлга қўйилган. 1910- йил Тошкентда чет элларда ишлаб чиқарилган 8 та кичик ва 1 та 40 ўринли автобус қатнай бошлади.

2006 йил 1 янв. ҳолатига кўра республика бўйича 2575 автобус маршрутлари бўлиб, шулардан 244 таси шаҳар ва шаҳар атрофи, 868 таси йўналишли такси, 400 таси шаҳарлараро, 51 таси шаҳарлараро йўналишши такси қатновига мансуб. Ҳар куни ўрта ҳисобда шаҳарлар ва шаҳар атрофи маршрутларида 3773 та автобуслар, 6929 та микроавтобуслар, 9257 та «Дамас» русумли кичик автобуслар, шаҳарлараро йўналишларда эса 1245 та автобуслар, 663 та микроавтобуслар хизмат қилди. 1991 йилга қадар Ўзбекистон халқ хўжалигида асосан Россия («Зил», «Москвич» — Москва ш.; «ГАЗ» юк ва «Волга» енгил автомобиллари — Нижний Новгород ш.; «Камаз» — Набережные Челни ш.; «Жигули» — Тольятти ш.; «УАЗ» — Ульяновск ш.; «Урал» — Челябинск вил. Миасс ш.; «ПАЗ» Павлов ш.); Украина («ЛАЗ» — Львов ш.; «КрАЗ» — Кременчук ш.; «ЗАЗ» — Запорожье ш.), Белоруссия («МАЗ» — Минск ш.; «БелАЗ» Жоди но ш.), Грузия («КАЗ» — Кутамси 1м.)да ишлаб чиқарилган юк ва енгил автомобиллари, автобуслари ишлатилди.

1940 йилдан «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасн (Асака автомобиль заводи) нинг ишга туширилиши билан республика автомобиль транспортида «Дамас», «Тико», «Нексия» енгил автомобилларидан кенг фойдаланишга ўтилди. 1999 йилдан Самарқанд ш.да «СамКочАвто» Ўзбекистон—Туркия қўшма корхонасида ўрта ҳажмли автобуслар, турбодизелли автобуслар, юк машиналари ишлаб чиқарила бошлади ва республика йўловчилар ташиш ҳамда юк транспорти корхоналарига кўплаб етказиб берилди.

ЎзР нинг юк машиналари саройларида вазифасига кўра ихтисослаштирилган (ўт ўчириш, ун, пахта, дон, қурилиш материалларини ташиш, санитария ва бошка) автомобиллар бор. Республикада халқ хўжалигининг саноат, қ. ҳ., қурилиш, сув хўжалиги, алоқа, савдо, соғлиқни сақлаш, коммунал хўжалиги, маданият, мудофаа ва бошка тармоқларида ихтисослаштирилган йирик автотранспорт корхоналари мавжуд. Улар вазифасига кўра умумий фойдаланилмайдига ички ишлаб чиқариш автомобиль транспортига киради, 9ойиллар бошидан аҳолига енгил автомобиллардан ташқари юк автомобиллари ҳамда автобусларни сотиб олишга рухсат берилиши натижасида шахсий автотранспорт сони ва тур таркибида ҳам жиддий ўсиш кузатилди. 1995 йилда республикада фуқароларнинг мулки бўлган ва мамлакатда ҳамда чет элларда ишлаб чиқарилган 788,2 минг енгил, 16,9 минг юк автомобиллари, 2,6 минг автобуслар, 419,1 минг мототранспорт (мотоцикл, мотороллер ва бошка) бор эди. 1996 йилда Ўзбекистоннинг ҳар 1000 аҳолисига 43 та енгил автомобиль тўғри келди (улардан 39 таси шахсий фойдаланишда).

Ҳаво транспорти



Ўзбекистон жаҳондаги кўп мамлакатларнинг пойтахтлари, йирик шаҳарлар, саноат марказлари билан ҳаво йўллари орқали боғланган. Йўловчиларга халқаро ва маҳаллий йўналишларда хизмат кўрсатилади, турли мақсадлардаги юклар ташилади. Махсус мақсадлардаги авиация парки қ. х., тиббий-санитария хизмати, қурилиш-монтаж, метеорология, геология-қидирув, газ саноати ва бошқа соҳаларда унумли ишлатилади.

Республика мустақилликка эришганидан кейин 1992 йил янв.дан собиқ Иттифоқ фуқаро авиацияси вазирлиги тасарруфида бўлган Ўзбекистон Фуқаро авиацияси бошқармаси, фуқаро авиациясининг 243 таъмирлаш зди, «Авиақурилиш» бирлашмасига қарашли «Авиамахсусмонтажсозлаш» негизида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ташкил этилди.

Ўзбекистоннинг фуқаро авиациясини ривожлантириш давлат дастури қабул қилинди. Дастурда самолёт паркини қайта ташкил этиш, эски аэропокзал мажмуаларини жаҳон андозалари талабларига мос қилиб реконструкция қилиш ва янги мажмуалар қуриш, аэропортларни энг янги техника воситалари билан жиҳозлаш, юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг аниқ йўллари ўз ифодасини топди.

Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво Кодекси қабул қилинди (7.5.1993). Натижада Ўзбекистонда фуқаро авиацияси янги сифат босқичига эришди, «Ўзбекистон ҳаво йўлари» миллий авиакомпанияси жаҳон авиация бизнесидаги иирик компаниялар қаторига кирди. «Ўзбекистон ҳаво йўлари»нинг Европа, Америка, Жануби-Шарқий Осиё, МДҲ мамлакатлари шаҳарларида 44 та ваколатхоналари очилди (2004). 1991- 2004 йилларда Ўзбекистон ҳукумати ёрдамида авиаация тармоғини ривожлантиришга 1,2 млрд. АҚШ доллари миқдорида инвестициялар киритилди ва замонавий инфратузилма барпо этилди. «Ўзбекистон ҳаво йўлари» миллий авиакомпанияси АҚШ, Германия, Франция, Россия, Ҳиндистон фирмалари билан турли соҳаларда ҳамкорлик қиласиди. Халкаро рейсларда «Боинг757» ва «Боинг764», А-310, Ю-85 самолётларидан фойдаланилади.

«Ўзбекистон ҳаво йўлари» миллий авиакомпанияси таркибида 11 (Тошкент, Нукус, Самарқанд, Бухоро, Урганч, Термиз, Қарши, Наманган, Андижон, Фарғона, Навоий) замонавий аэропокзал бор. Тошкент аэропорти Марказий Осиёдаги энг иирик халқаро аэропорт. Бухоро, Самарқанд, Урганч аэропортлари ҳам халқаро аэропорт мақомига эга. Миллий авиакомпания таркибида «Махсус авиаация ишлари» авиакомпанияси фаолият кўрсатади.

Республика авиаация транспорти учун учувчилар, техника хизмати таркиби, ердаги хизмат ходимлари «Ўзбекистон ҳаво йўлари» миллий авиакомпаниясининг учиш-ўқув-техника маркази (1943 йил 15 майда ташкил этилган), Тошкент авиаация институти(1995) да ва Тошкент авиаасозлик колледжида тайёрланади. Республика ҳаво транспортида 2005 йилда 900 минг йўловчи, 5,7 минг т юк ташилди. Юк айланмаси 100,3 млн. т. км ни ташкил этди.

Сув транспорти



Ўрта Осиёда қадимдан Амударё ва Сирдарёда қайиқлар ва соллардан транспорт тури сифатида фойдаланилган. 1847 йилга келиб Орол дengизининг шим. соҳили ва Қуи Сирдарёни эгаллаган Россия империяси русларнинг таянч пунктларини қўриқлаш ва янги ҳудудларни ўрганишга мўлжалланган Орол ҳарбий флотилиясини тузди. 1873 йилдан Амударёда буғ билан юрадиган кемаларнинг узлуксиз қатнови йўлга қўйилди. 1887 йилда Амударё ҳарбий флотилияси ташкил этилди. 20-а. бошларида Амударё ва Орол дengизидаги сув йўллари бўйлаб юклар ва йўловчиларнинг анча қисми ташилган. 1923 йилда Амударё ҳарбий флотилияси «Ўрта Осиё пароходчилиги» акциядорлик жамиятига айлантирилди. 1924 йилда кема ва қайиқлар қатнайдиган сув йўлларининг умумий уз. 887 км эди. «Хива», «Меркурий» акциядорлик жамиятлари кемаларида, шунингдек, хусусий қайиқларда йўловчиларга хизмат кўрсатилган. Уша даврда Ўрта Осиё сув йўлларида умумий юк ортиш қуввати 7 минг т бўлган 20 кема ва 50 баржа, умумий юк ортиш қуввати 24 минг т бўлган 1500 қайиқ бор эди. 1923 йилда бошқарув идораси Тошкентда жойлашган Ўрта Осиё пароходчилик бошқармаси тузилди (1934 йилда бошқарма Чоржўйга кўчирилди, 1956 йилдан Ўрта Осиё пароходчилиги собиқ Иттифоқ Денгиз Флоти вазирлиги ихтиёрига ўтказидди).

Узбекистоң мустақилликка эришганидан кейин Ўрта Осис пароходчилиги Туркменистан, Ўзбекистон, Тожикистан ўртасида тақсимланди. 1994 йил 11 майда Ўзбекистон Республикасида жойлашған дарё флоти бўлинмаларини бошқариш тартиби қайта ташкил этилди. Ўрта Осиё пароходчилигининг Ўзбекистондаги бўлинмалари негизида «Термиз дарё порти», «Хоразм дарё флоти», «Қорақалпоғистон дарё флоти» и.ч. бирлашмалари ташкил этилди. (1995). «Ўзавтотранс» корпорацияси хузурида дарё флоти ишини мувофиқдаштириш бўйича бош бошқарма (Тошкентда) тузилди. 2001 йил июнь ойидан Ўзбекистон автомобиль ва дарс транспорти агентлиги (1998) нинг Кемачилик регистри флотнинг техника холати ва сув йўллари хизматини назорат қилиш ишларини олиб боради. Республика сув транспортига Термиз дарё порти, Дўстлик (собиқ Шарлавуқ), Тўрткўл, Бсраний, Қоратов, Хўжайли, Питнак пристанлари, Амударё орқали Тўрткўл — Хонқа, Чалиш — Беруний понтон кўприклари, Хўжайли кема таъмирлаш з-ди хизмат кўрсатади (2006). Термиз дарё порти Жаҳон халқаро юк ташувчи ва халқаро экспидитор денгиз ва дарё портлари рўйхатига киритилган. Портнинг юк ўтказиш йиллик қуввати боо минг т, юкларни тушириш-ортиш қуввати 900 минг т. Афғоистоннинг Шерхон, Ҳайратон бандаргоҳи орқали экспорт-импорт юкларини етказиб беришда халқаро аҳамиятга молик. Республика дарё флотида 200 га яқин теплоход, шунингдек баржалар, землесослар, сузуви экскаваторлар, порт кранлари ва бошка ёрдамчи кемалар, техника воситалари бор. Республикада асосий сув йўлларининг умумий уз. 500 км дан ортиқ. Кемалар Амударёда Тахиатош ГЭС га қадар қатнайди. Халқ хўжалиги юклари, асосан Термиз — Ҳайратон, Дўстлик — Тўрткўл, Хўжайли — Тўрткўл, Хўжайли — Беруний, Қоратов — Тахиатош йўналишларида ташилади. Узбекистоннинг порт ва пристанлари темир йуллар билан боғланган.

Шаҳар йўловчилар ташиш электр транспорти



Республика шаҳарларида аҳолига йўловчиларни белгиланган йўналишларда ташийдиган жамоат кўча транспорти — трамвай, троллейбус, ер ости транспорти (метрополитен) хизмат кўрсатади.

Троллейбус қатнови 1947 йил. Тошкентда бошланди (троллсийбус йўли vi. IX км; 10 та машина). Кейинги йилларла Самарқаид (1967), Олмалиқ(1968), Фаргона (1970), Андижон (1971), Наманган (1973), Бухоро (1987), Нукус (1992) ш. ларида троллейбуслар қатнай бошлади. 1995 й. га келиб троллейбус йўллари умумий 359 км (Тошкеит шахрисич) га етди, жумладан Андижон (72,2 км), Бухоро (30,7 км), Наманган (65,5 км), Нукус (15 км), Олмалиқ (53,2 км), Самарқаид (66,5 км), Фаргонада (56 км) троллейбуслар ишлади. 1997 йилда уз. 30 км Хива - Урганч йўналишида троллейбус қатнопи йўлса қўмилди. Тошкент ш. марказининг қайта қурилиши, кўчаларнинг кенгайтирилити муносабати билан шаҳар маркази орқали ўтадиган троллейбус қатнови қисқартирилди, 2006 йил 1 янв. холатига кўра троллейбус тармоги 141,1 км ни ташкил этди (1995 йилда 296,5 км), 10 та йўналишда 100 га яқин троллейбуслар қатнади. Нукус, Олмалиқ, Наманган ш.ларида, Хива — Урганч йўналишида троллейбуслар йўловчиларига хизмат кўрсатади. Шаҳарлар электр транспорти ишини маҳаллий ҳокимликлар бошқаради.

~~Трамвай Тошкент ш.да ривожланган. Трамвай йўлларининг умумий уз. 122 км (1995 йилда 293,1 км, трамвай парки йўллари билан бирга). 2006 йилда 7 маршрутда ўртача 98 грамвай (вагон) йўлов чиларга хизмат кўрсатди. Тошкент ш.нинг ўзида трамвай ва троллсийбуслар бир кунда шах.ардаги жами йўловчиларнинг 11 % га хизмат кўрсатади. Тошкентда 1 трамвай, 1 троллсийбус, 1 трамвайтроллсийбус депоси бор.~~

Метрополитен йўловчиларга хизмат кўрсатишида тобора катта аҳамият касб этмоқда. Рсспубликада метро қурилиши Тошкент ш.да 1972 йилда бошланди. Унинг 9 станциядан иборат уз. 12,2 км бўлгам («Собир Раҳимов» Буюк ипак йўли» бекатлари) 1-йўлининг биринчи навбати 1977 йил 6 наябрда, 4,6 км ли 2 навбати 1980 йил 18 авг.да ишга туширилди. Метрополитенниң умумий уз. 8 км бўлгай иккинчи йўлининг биринчи навбати («Алишер Навоий», «Ўзбекистон», «Космонавтлар», «Ойбек», «Тошкснт» бекатлари) 1984 йил ноябрда, 2 навбати («Машинасозлар», «Чкалов» бекатлари) 1987 йил ноябрда, 3 -навбати 1989 йил ноябрда («Ғафур Ғулом», «Чорсу» бекатлари, уз. 2,2 км), 4-навбати («Тинчлик» ва «Беруний» бекатлари, уз. 3,2 км) 1991 йил 30 апр.да ишга тушди (бу линиянинг уз. қарийб 15 км). Метронинг Тошкент 1п. марказини Юнусобод турар жой массиви билан боғлайдиган 3-йўли (умумий уз. 14 км) нинг 1навбати («Мингўрик», «Юнус Ражабий», «Абдулла Қодирий», «Минор», «Бодомзор», «Ҳабиб Абдуллаев» бекатлари) 2001 йил 26 окт.да ишга тушди. Метрополитенда ҳар куни ўртача 350 минг йўловчи ташилади. Йўловчиларга 212 вагон хизмат кўрсатади. Шаҳар транспортида метрополитенниң йўловчилар ташишдаги улуши 17% (2005).

Құвур (трубопровод) транспорти



Ўзбекистонда биринчи 20 км узуиликдаги нефть қувури 1908 йил Чимён нефть конидан Ванновск (хрз. Олтиариқ) нефтни қайта ишлаш здига тортилган. Кейинчалик Фаргона водийси, Сурхондарё вилоятида янги нефть конлари очилиши билан транспортнинг бу тури жадал ривожлантирилди. Нефть конларидан Фаргона ва Олтиариқ нефтни қайта ишлаш заводларига умумий уз. 228,5 км бўлган нефтепроводлар қурилди. Республика жан.да — Сурхондарё вилоятида 1947 йил Лалмикор — Қумқўргон ва 1969 йил Амударё — АмуЗанг линиялари қурилди (умумий уз. 40 км). Қашқадарё вилоятида янги нефть конлари очилганидан кейин 1977 йил Ғарбий Тошлоқ Қашқадарё станцияси (3,3 км), Шим. Ўртабулоқ — Олтингугурт з-ди (72 км) нефть қувурлари ишга туширилди. 1994—97 йиллардауз. 100 км бўлган Кўқдумалоқ — Бухоро нефтни қайта ишлаш з-ди нсфть қувури қурилиб фойдаланишга топширилди. Бухоро, Қашқадарё вилоятларида улкан газ конларининг топилиши ва ишга туширилиши билан Ўзбекистонда улкан магистрал ва газ тарқатадиган қувур транспорти ривож топди. Магистрал газ узатиш қувурлари (700—1200 мм) нинг умумий уз. 13,0 минг км, республиканииг ўзида газ тарқатиш қувурлари уз. 115,9 минг км (2005). 2005 йилда магистрал қувур йўллари орқали 71,5 млн. т. юк ташилди, юк айланмаси 36,9 млрд. т. км ташкил этди. Магистрал қувур йўллари орқали 67,6 млн. т газ ва 101,4 минг т нефть ҳайдадди (2004; 2002 йилда тегишлича 61,6 млн. т газ, 121,3 минг т нефть).

1999-2000 йилларда Ўзбекистон Республикасининг «Телекоммуникациялар тўғрисида» (1999, 20 авг.) «Почта алоқаси тўғрисида»ги (2000 йил 31 авг.) қонунлари қабул қилинди. Бу қонунлар тслекоммуникациялар, иочта алоқаси хизматларини ташкил этиб, ушбу хизмачларни кўрсатит ва радиочастоларидаи фойдаланиш соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солди. 1992 йил 12 марта «Ўзбектслеком» электр алоқа, «Узбекистон почтаси» концеринлари тузилди. 1992 йилда Ўзбекистон Республикаси Халқаро электр адoқa иттифоқи аъзолигига қабул қилинди.

Тузилмавий ўзгартиришлар навбатдаги мухим қадам бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан 1997 йилнинг июнида Алоқа вазирлиги Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигига айлангирилди, алоқа корхоналари давлат тасарруфидан чиқарилди, тслекоммуникациялар, почта алоқаси ва матбуоттар таркатувчи акциядорлик компаниялари тузилди.

Кейинги йилларда жаҳон тажрибасидан келиб чиққан ҳодла ахборотлаштириш ва ахборот ҳамжамиятига муоффақиятли кириб боришнииг мухим омилларидан бири тслекоммуникацияларнипг ривожланиш, ахборотлатириш ва ахборот технологиялари жараёнларининг узаро қамкорлигидир. Бу жараёнларнинг глобал хусусияти мамлакатимизни жаҳон ахборот ҳамжамиятига киришини тақозо этади.

ЭТИБОРИНГИЗ УЧУН РАХМАТ!!!

